Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 27 январь 1973 йил, шанба ◆ № 23 (15.497). ◆ Баҳоси 2 тийин.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЛКАН РЕЖАЛАРИ

Тўқизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида улкан марраларни кўзлаган Самарқанд шаҳри корхоналарининг илғор коллективлари январь ойи топшириғини муваффақиятли бажармоқдалар. Кўпчилик корхоналар ҳал қилувчи йил социалистик мусобакасида олдинда бормоқдалар. Суратларда: 1. Шойи газламалар фабрикаси гул босиш цехининг мастери Т. В. Богдасарова 2. «Красний двигатель» заводининг ишчиси Ҳ. Нажмиддинов, 3. Чинни заводининг ишчилари М. Қосимова ва В. Голублар иш устида.

В. Сироткин фотолари.



СУТ БУЛОҒИ ЭЛ ДАСТУРХОНИГА ✦ ГЎШТ СЕРОБ БЎЛСИН ДЕБ... ✦

ҚИШЛОВ—СИНОВ

Сиз суратда кўриб турган бу қиз Фарғона область Олтиариқ районидаги «Намуна» колхози сут-товар фермасининг моҳир сут соғувчиси Хадича Аҳмедова бўлади. У ўтган йили ўз боқимидаги 20 бош соғин сигирдан 48,5 тонна серқаймоқ сут соғиб олган эди. Унинг бу йилги марраси — ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут миқдорини 3 минг литрдан ошириш.

А. Тўраев фотоси.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ ҚУНДАЛИГИ

УРУҒ САРА БЎЛСИН

Сара уруғ — ҳосилнинг олтин фонди ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ва селекционерлар олдида турган муҳим вазифалардан бири бу йилги ҳосил учун энг яхши сифатли уруғ тайёрлашдир. Маълумки, сифатли уруғ тайёрлаган хўжаликда юқори ҳосил етиштирилади.

Республикамизнинг илғор хўжаликлари хосил йиғиб-териб олиниши биланоқ, келгуси йил мўл ҳосили учун уруғлиқ фондига сифатли, тоза уруғ ажратишга киришади. Эрта кўкламда ерга уруғ қадалади, яхши парвариш қилинган экинлардан кузда юқори ҳосил етиштирилиши турган гап. Масалан, Тошкент область Юқори Чирчиқ райони колхоз ва совхозларида бугдой ва арпа уруғи ўтган йилнинг ўзидаёқ тозаланиб, сараланди. Катта майдонларга экилган бугдой ва арпадан юқори ҳосил етиштирилди.

Шунингдек, Самарқанд областининг Булунғур, Ғаллаорол ва Пастдарғом районлари колхоз ва совхозларида ҳам уруғчиликка катта эътибор берилаётир. Фарғона областининг Олтиариқ, Киров ва Риштон районлари хўжаликларида беданинг янги навлари етиштирилди. Бухоро областининг Ғиждувон, Қизилтепа, Навоий районлари колхоз ва совхозларида ҳам уруғликнинг янги навларини етиштириш ва кўпайтиришга катта эътибор берилмоқда. Наманган областининг Учқўрғон, Чуст районларида ҳам бу масалага эътибор яхши. Лекин республиканинг бир катор хўжаликларида уруғчиликка етарли эътибор берилмаётир. Сирдарё, Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг кўпгина колхоз ва совхозларида сифатли уруғ етиштирилмаётир. Гектар бошига олинадиган уруғ ҳосили жуда оз. Тошкент, Фарғона ва Бухоро областларида эса атиги 41-50 процент миқдорида бугдой ва арпа уруғи тайёрланди, холос.

Республиканинг деярли ҳамма областларида шоли уруғи фонди тайёрлаш суст бормоқда. Айниқса, бундай уруғлиқ тайёрлаш Самарқанд, Фарғона, Сирдарё ва Наманган областларида ёмон аҳволда.

Қорақалпоғистон АССР хўжаликларида бу йил 9 минг тонна шоли уруғи экилиши керак, лекин уруғни тозалаш ва саралаш жуда суст бормоқда. юқори унумли 18 та шоли тозалаш машинаси ўрнига атиги 6 таси ишлаяпти. Хоразм область Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозида эса шоли уруғи аллақачон тозаланиб, экишга тайёрлаб қўйилган.

Афсуси, Наманган, Андижон, Самарқанд ва Сурхондарё областларида ҳамон шоли уруғини тозалашга киришилгани йўқ.

Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, «Узсельхозтехника» район бирлашмаларнинг ходимлари уруғни экишга вақтида тайёрлаш учун юқори унум билан ишлайдиган электромагнит машиналари ва бошқа техника ресурсларининг икки сменада ишлашини ташкил этишлари, ишнинг илғорилаб кетиши учун ташаббускорлик ва ташкилотчилик кўрсатишлари зарур.

ЭҲТИЁЖ ВА ТАЛАБ

Конимех районидаги «Коммунизм» совхози қоракўлчиликка ихтисослаштирилган. Хўжаликнинг олти фермасида 70 минг қўй ва эчки бўлиб, ярмини совлиқлар ташкил этади. Совхоз 1972 йил планини ҳамма кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарди. Устиришга планда белгиланганидан кўп қўзи қолдирилди. Пландан ташқари 12 минг қоракўл тери топширилди, шу жумладан ярми сур терилардир.

Совхознинг 1973 йил плани янада улкан. Ҳар юз совлиқдан 150 тадан қўзи олиш, 20 минг қўзини боқишга қолдириш учун курашмоқдалар. Партия ва Совет ҳукуматининг яқинда қабул қилган социалистик мусобақани янада кенг авж олдириш ҳақидаги қарори олинган мажбуриятни шараф билан бажаришга илҳомлантирмоқда. Социалистик мусобақа қишловни муваффақиятли ўтказишда, қоракўл тери етиштириш планини ошириб бажаришда жуда катта сафарбарлик ролини ўйнамоқда.

Хўш, қишловни ва қўзилатиш кампаниясини муваффақиятли ўтказиш учун хўжаликда қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

Совхознинг умумий яйлов майдони 200 минг гектарни ташкил этади. Бу ерларда асосан янтоқ ва бошқа озуқабоп ўтлар ўсади. Совхоз қишловга 7 минг тонна пичан, (белгиланганидан 2 минг тонна кўп), 2100 тонна беда пичани тайёрлади. Баъзи бир фермаларда дағал хашак тайёрлаш плани 180-230 процент ado этилди. Булардан ташқари ҳар бош қўй ҳисобига 20 килограммдан омухта ем берилади.

Ҳозир озуқадан фойдаланиш технологиясига катта аҳамият бериляпти. Бунда дағал хашаклар ИГК-30 ва ДХУ-1,2 дағал хашак майдалагичда тайёрланади. Шундан сўнг бу озуқалар ювлиб, бўғлатиб қўйларга берилади. Бунда озуқа чанг, қумлардан тозаланади, қўйлар дағал хашакни нишхўртга чиқармайди.

Қишда қўйларни зооветеринария кўригидан ўтказиб туриш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ҳар 3-5 кунда ферма ветеринария врачлари отарларда бўлиб, профилактика тадбирларини ўтказади. Айниқса бўғоз совлиқларга катта эътибор берилади Нимжон ва касаллик аломатлари бўлган қўйлар ажратиб боқилади.

Совхоз раҳбарлари ва мутахассислари қишловнинг боришини тез-тез муҳокама қилиб турадилар. Бунинг учун улар дастлаб отарларда, фермаларда бўлиб, ҳақиқий аҳвол билан танишадилар. Озуқа сарфлаш қандай бораётганлигини, мавжуд озуқа запасини текширадилар. Камчиликлар ўз жойида тузатилади. Лозим бўлса айрим отарлар ва фермалар транспорт, қўшимча озуқа ва нишчи кучи билан таъминланади.

Қишлов ҳар бир чорвадор учун катта синов ҳисобланади. Уни муваффақиятли ўтказиш кишиларга ғамхўрлик қилишдан бошланади. Масалан, 1-фермани олайлик. Ферма маркази кун сайин ободонлашмоқда. Бу ерда ясли, касалхона, дорихона ва бошқа маданий-маиший муассасалар ишлаб турибди. Мактаб-интернатда узоқ отардаги чўпонларнинг фарзандлари ўқийдилар. Поселка электр нурлари билан чароғон.

Совхоз қоракўлчиликни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришмоқда. Аммо ҳали баъзи бир масалалар борки, уларни ҳал этиш ютуқларни янада мустаҳкамлаш имконини беради. Совхозда ҳар бош қўй учун 20 килограммдан омухта озуқа ажратилган. Лекин бўғоз совлиқлардан соғлом қўзи олиш ва қўзилатиш кампаниясини муваффақиятли ўтказиш учун бу миқдордаги омухта ем камлик қилиб қоляпти. Гап шундаки, қаттиқ қиш-қировлар кунларида яйловда озиқлантириш имкони бўлмайди. Бунинг устига кейинги йилларда яйловлар унумдорлиги камайиб кетмоқда. Омухта емни кўпайтириш қўйлар туёғи ортиб бораётган хўжаликлар учун муҳим аҳамият касб этади.

Кези келганда хўжалик мутахассислари ҳам яйлов унумдорлигини ошириш учун кенг қўламда иш олиб бормаётганлигини таъкидлаш керак. Яқинда 2 минг гектарга экилган саксовул ва изень йирик хўжалик учун камлик қилади. Шунинг учун хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари озуқабоп экинлар экишни янада кенгайтириш шу куннинг талаби эканлигини унутмасликлари зарур.

Хўжалик концентрат озуқани Бухоро ва Когондан келтиради. Бу масофа камида 150 километрни ташкил этади. Шунинг учун ҳам озуқани темир йўллар орқали келтириш мақсадга мувофиқдир. Бундай озуқаларни фермаларга етказиб бериш учун эса Нурота йўли орқали ўтишга тўғри келяпти. Томди томондан юриш йўлни анча қисқартирган бўлур эди. Гап шундаки, Томди орқали фермаларга борадиган йўл ҳали асфальтланмаган. Озуқаларни ферма, отарларга етказиб бериш учун эса оғир шароитда ҳам юра оладиган машиналар керак. Аммо Томди орқали ўтадиган йўлни асфальтлашни қурилиш-монтаж ишлари бошқармаси ҳали ҳам бошлаганича йўқ. Бундан совхоз раҳбарлари, мутахассислари ферма ва отарлар билан алоқа қилишида қийинчилик туғилаётганлигини билиб олиш қийин эмас.

Совхоз марказини 1-фермага кўчириш масаласи анчадан бери гап бўлиб келяпти. Бунинг учун эса ферма маркази-да турар-жойлар ва маъмурий бинолар қуриш керак, албатта. Аммо бу борада ҳеч қандай иш олиб борилмаётганини кўрсатиб ўтиш лозим. Бу ерда водопровод ўтказиш учун икки йил муқаддам 290 минг сўм пул ажратилган эди. Аммо, эндигина 70 минг сўм пул ўзлаштирилди, холос.

Совхоз чорвадорлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС нинг социалистик мусобақани янада авж олдириш ҳақидаги қарорини ҳаётга жорий этиш, қишловни муваффақиятли ўтказиш ва кўплаб маҳсулот етказиб бериш учун курашмоқдалар. Уларнинг бу ишларида ёрдам бериш қишлоқ хўжалиги билан алоқадор ташкилотларнинг бурчидир. Совхоз олдида турган бундай проблемаларни тезроқ ҳал этиш янада катта натижаларни қўлга киритиш учун замин яратади.

С. МУМИНОВ.

ФАН БИЛАН МЕҲНАТ ИТТИФОҚИ

Илмий-техника жамиятларининг IV Бутуниттифоқ съезди

Мамлакатимизда фан-техника революцияси ютуқлари билан социалистик хўжалик системаси афзалликларини узвий равишда қўшишдан иборат тарихий муҳим вазифа ҳал қилинмоқда. Бундай шароитда, деб таъкидланади КПСС Марказий Комитетининг илмий-техника жамиятларининг Москвада бўлиб ўтаётган IV Бутуниттифоқ съездига йўлланган табрикномасида, илмий-техника жамиятларининг роли анча ортди.

25 январда илмий-техника жамиятларининг IV Бутуниттифоқ съездида илмий-техника жамиятлари Бутуниттифоқ кенгашининг ва ревизия комиссиясининг ҳисобот докладларини муҳокама қилиш давом этди.

Музокарада сўзга чиққан қишлоқ хўжалик фанлари доктори, қишлоқ хўжалик илмий-техника жамияти марказий правленнесининг раиси Г. В. Гуляев қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш резервларини қидириб топиш ва улардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини индустриалаштириш шароитида кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида илмий-техника жамиятларининг иштироки масаласига алоҳида эътибор берди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Совети Фан ва техника давлат комитетининг Раиси академик В. А. Кириллчи ўз нутқида бундай деди: Илмий-техника жамиятларининг съезди—давлатимиз ҳаётида, техникани тараққий эттириш ва халқ хўжалигининг илмий-техника даражасини ошириш ишида муҳим воқеадир. Ноти; илмий-техника жамиятларининг фаолиятида кенг акс эттирилиши, шу жумладан халқ хўжалик планларини ишлаб чиқишда жамиятларнинг активроқ иштирок этиши лозим бўлган масалаларга тўхталиб ўтди.

Рангли металлургия илмий-техника жамияти марказий правленнесининг аъзоси, Запорожье титан-магний комбинатининг қуювчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Л. Крупий тинчлик, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш кенг программасини ўтказиб келаётганликлари учун Коммунистик партия билан Совет ҳукуматига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга миннатдорчилик сўзларини изҳор этди.

СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, энергетика ва электр техника саноати илмий-техника жамияти марказий правленнесининг раиси Н. Н. Ковалев, Москвадаги «Красная роза» шойи комбинатининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. И. Бобкова илмий-техника жамиятлари Ўзбекистон республика кенгашининг раиси, механика ва зилзилага бардошли иншоотлар институтининг директори Т. Рашидов ва бошқалар ўз нутклари да меҳнат унумдорлигини анча ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш имконини берувчи амалий натижаларга эришиш, янги техника ва технологияни вужудга келтириш илмий-техника жамиятлари барча ташкилотларининг ишида энг муҳим вазифа бўлиб қолиши лозимлигини таъкидлаб ўтдилар.

* * *

26 январда илмий-техника жамиятлари IV Бутуниттифоқ съезди ўз ишини тамомлади. Делегатлар уч кун мобайнида мамлакат илмий-техника жамоатчилиги олдида турган вазифаларни ишчанлик руҳида муҳокама қилдилар.

Академик А. Ю. Ишлинскийнинг якунловчи сўзидан кейин съезд Бутуниттифоқ илмий-техника жамиятлари советининг ҳисобот давридаги фаолиятини маъқуллади ҳамда ревизия комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлади. Съезд резолюция, шунингдек, илмий-техника жамиятлари Уставига қисман ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилди. Илмий-техника жамиятлари Бутуниттифоқ совети ҳамда ревизия комиссияси сайланди.

Съезд қатнашчилари баланд руҳ ва яқдиллик билан КПСС Марказий Комитетига табриконма қабул қилдилар. (ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ Ю. ЦЕДЕНБАЛ БИЛАН УЧРАШУВИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал билан учрашди.

Сухбат давомида КПСС билан МХРП ўртасидаги, СССР билан МХР ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари, шунингдек баъзи муҳим халқаро проблемалар муҳокама қилинди.

Л. И. Брежнев ва Ю. Цеденбал ўртоқларнинг учрашуви самимий, дўстона ва фикрларнинг тўла бирлиги вазиятида ўтди.

ТОШКЕНТ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

26 январда Ўзбекистон пойтахти партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ўтган йилнинг якунлари, ҳамда 1973 йилги халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг қарорини бажариш тадбирлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Йиғилишда бу ҳақда Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин доклад қилди.

Йиғилиш Тошкент саноат корхоналари, транспорт, шаҳар хўжалиги, қурилиш ташкилотлари, фан ва маданият муассасалари коллективларининг 1973 йилга олган социалистик мажбуриятларини маъқуллади. Беш йиллиқнинг учинчи ҳал қилувчи йилининг маҳсулотни реализация қилиш ҳажми ва буюмларнинг кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан давлат планини 25 декабрда бажаришга қарор қилинди.

Йиғилишда Қозоғистон пойтахти меҳнаткашлари делегациясининг раҳбари, Олмаота шаҳар партия комитетининг секретари Г. М. Мурзагалиев сўзга чиқди. Тошкентликлар билан олмаоталиклар ўртасида социалистик мусобақа шартномасини тузиш ҳақидаги таклиф яқдиллик билан қўллаб-қувватланди. (ЎзТАГ).

ВЬЕТНАМДАГИ УРУШНИ ТЎХТАТИШ ВА ТИНЧЛИКНИ ТИКЛАШ ТЎҒРИСИДА БИТИМ

ХАНОЙ, 25 январь. (ТАСС). Вьетнамдаги урушни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш тўғрисидаги битимнинг шу йил 23 январда Парижда махсус маслаҳатчи Ле Дик Тхо ВДР номидан ва доктор Генри Киссинжер АҚШ номидан имзолаган тексти бу ерда эълон қилинди. Битим Вьетнамга доир Париж кенгашида қатнашаётган ҳамма мамлакатларнинг вакиллари томонидан 1973 йил 27 январда имзоланади.

Битимда айтилади, ВДР ҳукумати Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат революцион ҳукуматининг розилиги билан, АҚШ ҳукумати Вьетнам Республикасининг розилиги билан Вьетнам халқининг асосий миллий ҳуқуқларини ва Жанубий Вьетнам халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш асосида Вьетнамдаги урушни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш мақсадида, шунингдек Оснёда ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш муддаосини кўзлаб, битим қоидаларини келишиб олдилар ҳамда шу қоидаларга риоя қилиш ва уларни бажариш мажбуриятларини ўз зиммаларига олдилар.

Битим биринчи бобининг 1-моддасида айтиладики, Қўшма Штатлар ва бошқа ҳамма мамлакатлар Вьетнамга доир 1954 йилги Женева битимларида эътироф қилинганидек, Вьетнамнинг мустақиллиги, суверенитети, бирлиги ва территориал бутунлигини ҳурмат қиладилар.

Иккинчи бобда ўт очишни тўхтатиш бутун Жанубий Вьетнам территориясида 1973 йил 27 январь Гринвич вақти билан соат 24 дан бошлаб кучга киради, деб кўрсатилган.

Шу соатнинг ўзидаёқ Қўшма Штатлар қайси базаларда жойлаштирилганлигидан қатъи назар, қуруқликдаги қўшинлар, ҳарбий-ҳаво кучлари ва ҳарбий-денгиз флоти иштирокида ВДР территориясига қарши ўзининг ҳамма ҳарбий операцияларини тўхтатади. ВДР-нинг территориал сувларини, гаванларини ва сув йўлларини миналаштиришни тўхтатади. АҚШ мазкур жойлардаги ҳамма миналарни йиғиштириб олади, зарарсизлантиради ёки йўқ қилиб ташлайди.

АҚШ Жанубий Вьетнамда ҳарбий ишларини давом эттирмаслиги ёки унинг нчки ишларига аралашмаслиги битимда уқтириб ўтилган. Ушбу битим имзолангандан кейин 60 кун давомида АҚШнинг, шунингдек АҚШ ва Жанубий Вьетнам билан иттифоқчи бўлган бошқа аҳнабий давлатларнинг ҳамма қўшинлари, ҳарбий маслаҳатчилари ва ҳарбий ходимлари, шу жумладан уларни тинчлантириш программасига, қурол-яроғлари, ҳарбий мол-мулки ва ҳарбий материалларига алоқадор бўлган ҳарбий техника ходимлари ва ҳарбий хизматчилари Жанубий Вьетнамдан батамом олиб чиқиб кетилади. Битим имзолангандан кейинги даврда Жанубий Вьетнамдаги қўшинларни жойлаштириш тартиби ҳужжатда белгилаб берилган.

Асир олинган ҳарбий хизматчилар ва эркин қилинган ажнабий хизматчилар қўшинларни олиб чиқиб кетиш билан айни бир вақтда қайтариб берилади ва қўшинларни олиб чиқиб кетиш тугалланадиган кундан кечикмай тамомланади.

АҚШ ҳукумати билан ВДР ҳукумати Жанубий Вьетнам халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга ошириш принципларига риоя қилиш мажбуриятини олдилар: бу ҳуқуқ муқаддас, ажралмас ҳуқуқ бўлиб, ҳамма мамлакатлар уни ҳурмат қилиши лозим. Жанубий Вьетнам халқи Жанубий Вьетнамнинг сиёсий келажагини халқаро назоратсиз остида чинакам эркин ва демократик умумий сайлов ўтказиш асосида ўзи белгилаши керак. Ажнабий давлатлар Жанубий Вьетнам халқига ҳеч қандай сиёсий тенденцияни ва ҳеч қандай арбоблари зўрлаб қабул қилдирмасликлари лозим.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

26 январь куни Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Ёшлар ўртасида социалистик мусобақани қандай қилиб яхшироқ ташкил этиш масаласи пленум қатнашчиларининг диққат марказида бўлди. «ВЛКСМ Марказий Комитети VIII пленумининг якунлари ва беш йиллиқнинг ҳал қилувчи йили планини бажариш соҳасида республика комсомол ташкилотларининг вазифалари» тўғрисида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Г. Гофуржонов доклади тингланди.

Пленум «Биз— интернационалчи ватанпарварларимиз» шиори остида ўтказилаётган республика ёшлари фестивалининг бориши тўғрисидаги масалани ҳам қараб чиқди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан пленум тегишли қарорлар қабул қилди. (ЎзТАГ).

ШОКЛИ САНА ШАРАФИГА

Ҳинд халқининг миллий байрами — республика эълон қилинган кунга бағишланиб 26 январь куни Тошкент жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши ўтказилди.

Докладчи — чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти президиумининг раиси Ҳ. С. Шукурова ва сўзга чиққан нотиқлар Совет Ўзбекистони Совет-Ҳиндистон дўстлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишига салмоқли ҳисса қўшаётганлиги тўғрисида гапирдилар.

Миллий байрам муносабати билан Ҳиндистон-Совет маданий алоқаларини ривожлантирувчи жамият миллий кенгашига табриконма йўлланди (ЎзТАГ).

Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти қошида Ўзбекистон олий ўқув юртлари биноларини лойиҳалаш бўйича лойиҳа-тажриба устахонаси ташкил этилган. Суратда: устахона раҳбари, архитектор А. Иброҳимов, нусха кўчирувчи Г. Лайрих ва архитектор В. Кимлар янги лойиҳалардан бирини муҳокама қилишмоқда.

В. Сироткин фотоси.

КАТТА ОДИМЛАР

ҚИРҒИЗИСТОН ССР МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1973 ЙИЛ ДАВЛАТ ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Қирғизистон ССР меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллик тарихий юбилейи туфайли вужудга келган юксак меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик вазиятида маҳсулот чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёнинг барча асосий турларини етиштириш ва тайёрлаш юзасидан 1972 йилда зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

Ватанимиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллиги тўғрисида»ги докладида кўрсатиб берилган улуғвор истиқболларидан илҳомланган Қирғизистон ишчилари, колхозчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йили — 1973 йилни меҳнатда янги ғалабалар билан нишонлашга ва ҳар бир ишлаб чиқариш коллективининг планларни муддатидан илгари бажаришини таъминлашга, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хўжалик ички резервларидан тўлароқ фойдаланиш, юксак ишлаб чиқариш интизоми ва меҳнат активлиги негизида ишлаб чиқаришни ўстириш ва самарадорлигини оширишнинг юксак суръатларига эришишга қатъий бел боғлаганлар.

Республика меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарорига жавобан ўз зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни оладилар:

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан давлат плани муддатидан илгари — 25 декабрда бажарилади, меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи 20 процент ошириб бажарилади. Пландан ташқари 5 мингта электр двигатель, 145 та пресс-подборщик, 5 миллион электр лампаси, металл қирқадиган 100 та станок тайёрланади, 83 минг тонна кўмир қазиб чиқарилади, 5 минг тонна цемент, 100 минг метр жун газлама, 1 миллион сўмлик тикилган буюмлар, 5,5 минг тонна қанд-шакар ва 6 миллион сўмлик бошқа озиқ-овқат моллари ишлаб чиқарилади;

Саноат маҳсулотининг 800 дан кўпроқ янги моделлари ишлаб чиқарилади ва ишлаб чиқариш учун ўзлаштирилади. Буюмларнинг камида 20 турига давлат сифат белгиси берилишига эришилади. 40 та цех ва участка комплекс механизациялаштирилади, 200 дан зиёд автомат поток ва конвейер линия фойдаланишга топширилади;

Камида 1000 тонна қора ва рангли металл, 8 минг тонна шартли ёқилғи, 10 минг тонна ёнилғи-мойлаш материаллари, 35 миллион киловатт-соат электр энергия, 10 минг тонна цемент тежаб қолинади;

Капитал қурилиш плани 29 декабргача бажарилади; капитал маблағларнинг самарадорлиги оширилади, моддий-техника ва молия ресурслари ишга тушириладиган объектларга жамланади ва Октябрь 50 йиллиги номли Ўш тўқимачилик комбинатида 60 мингта йигирув урчуқлари ва 1000 та тўқув станоклари муддатидан илгари ишга туширилади, тамаки-ферментация заводи, булка-кондитер комбинати, сут заводи, Фрунзе уйсозлик комбинати қурилади, жами саҳни 530 минг квадрат метр келадиган уй-жойлар, 18 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 2500 ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари, 1100 ўринли касалхоналар ва бир қанча бошқа маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилади;

Юк обороти муддатидан олдин бажарилади. Темир йўл транспортида қўшимча юк ортиш учун 8,5 минг вагон бўшатиб берилади, пландан ташқари 30 минг тонна юк ортилади. Автомобилларда қўшимча суратда 500 минг тонна, сув йўлларида 4 минг тонна юк ташилади ва ҳаво транспортида 5 минг пассажир ташилади, комплекс механизациялаштириш, химиялаш ва ерларни мелиорациялаш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш асосида ҳар гектар ердан 20 центнердан, шу жумладан суғориладиган ерларда ҳар гектар ердан 27 центнердан донли экинлар ҳосили етиштирилади. Давлатга 180 минг тонна пахта, 1546 минг тонна қанд лавлаги, 25,1 минг тонна тамаки хом ашёси, 134 минг тонна сабзавот, 186 минг тонна гўшт (тирик вазнда), 346 минг тонна сут, 163 миллион дона тухум ва 35,8 минг тонна жун сотилади. 2738 минг тонна дағал хашак, 2534 минг тонна ширали озуқа тайёрланади. Камида 80 минг гектар яйловга сув чиқарилади, 16 минг гектар майдонда атрофи тўсилган яйловлар барпо этилади:

Савдо-сотиқ, умумий овқатланиш, маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш планларининг муддатидан аввал бажарилиши таъминланади. Пландан ташқари 4,5 миллион сўмлик мол сотилади. Саҳни 18,4 минг квадрат метр келадиган янги магазинлар очилади. 126 ателье, устахона ,маиший хизмат уйлари, комплекс қабул пунктлари қурилади ва ташкил қилинади. Қишлоқ жойларда 600 километр узунликда водопровод шохобчалари ишга туширилади, Фрунзе, Ўш, Жалолобод шаҳарларида газ қувурлари ўтказилади, 44,5 минг квартира газ билан таъминланади.

Қирғизистон ишчилари, инженер-техник ходимлари, хизматчилари, қишлоқ хўжалик меҳнатчилари Тожикистон ССР меҳнаткашлари билан социалистик мусобақани давом эттирадилар.

Қирғизистон ССР меҳнаткашлари бутун куч, билим ва тажрибаларини социалистик мажбуриятларни бажаришга сарфлаймиз ҳамда мамлакат экономикасини янада ривожлантириш, совет халқи фаровонлиги ва маданиятини юксалтириш юзасидан партия белгилаган программани амалга ошириш ишига муносиб ҳисса қўшамиз, деб КПСС ленинчи Марказий Комитетини ишонтирадилар.

Социалистик мажбуриятлар Қирғизистон ССР саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва маиший хизмат корхоналари ва ташкилотларининг коллективларида муҳокама этиб, қабул қилинган.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

РАЙКОМ ВА ЧОРВАЧИЛИК

Каттақўрғон Самарқанд областининг асосий чорвадор районларидан бири. Бу ерда колхозлараро ва совхозлараро бўрдоқичилик базалари, саноатлашган паррандачилик хўжалиги, «Каттақўрғон» қоракўлчилик ҳамда йирик сут-товар фермасига эга бўлган «Қорадарё» совхозлари бор. «Ленинизм», «Пролетарий», «Чимбойобод» колхозларида гўшт ва сутдан ташқари кўп миқдорда қоракўл тери, жун ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштирилмоқда.

Ихтисослаштирилган бу хўжаликларда кейинги йилларда чорвачилик жадал ривож топди, чорва маҳсулотлари етиштириш анча кўпайди. Бу муҳим соҳанинг рентабель ҳамда сердаромад бўлишига эришилди. Хўжаликларимиз давлатга гўшт, сут, қоракўл тери ва бошқа маҳсулотлар топшириш ўтган йил планларини муддатидан анча илгари ошириб бажардилар.

Район партия комитети чорвачиликни янада ривожлантириш ва бу тармоқни тараққий эттган, серфойда соҳага айлантириш тадбирларини амалга оширмоқда. Зоотехниклар, ветеринария врачлари, хўжалик раҳбарлари ҳамда бошланғич партия ташкилотларининг диққат-эътибори ана шу вазифага қаратилмоқда. Колхозларда янгидан наслчилик фермалари ташкил этилаётир. Беда ва маккажўхори майдонлари кенгайтирилиб, мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтирилди. Ҳар бир колхоз ва совхозда озуқа цехлари ишлаб турибди. Беда уни, тўйимли ва сершира озуқалар рациондан доимий ўрин олмоқда. Ҳар бир сигир соғувчи ва мол боқувчилар учун махсус ён дафтарча жорий этилди. Бу дафтарчада олинган шахсий мажбуриятларнинг бажарилиши ҳар ой, ҳафта ва кварталда ёзиб борилади.

Биз илғор тажрибаларни изчиллик билан қўлланиб, сўнгги ойларда бир қанча фойдали тадбирларни амалга оширдик. Илгари ҳар бир колхозда бир неча чорвачилик фермаси бўлиб, уларнинг ҳар бирида алоҳида мудир, ҳисобчи бор эди. Бундан ташқари, сут товар фермаси алоҳида, гўшт учун бўрдоқи фермаси алоҳида жойлашган эди. Биз бунга барҳам бердик. Барча колхозларда чорвачилик участкалари ташкил қилинди. Уларга зоотехник ёки ветеринария врачлари раҳбар қилиб тайинланди. Улар айни вақтда чорвачилик бўйича раис ўринбосари вазифасини ҳам ўтайдилар. Сут соғувчилар, мол боқувчилар, паррандабоқарлар ва ем-хашак бригадалари шу участкаларга бириктилди. Район партия комитети бюроси мажлисида участка бошлиқлари тасдиқланадиган бўлди. Уларга ишчи кучлари, техника воситалари, экин майдонлари бириктилди. Янги чорвачилик бинолари қурилиб, сут-товар ҳамда бўрдоқичилик соҳалари марказлаштирилди.

Амалга оширилган бу тадбирлар чорвачилик соҳасидаги ортиқча штатларни қисқартиришга ва бу соҳага конкрет раҳбарлик қилишни яхшилашга имкон берди. Ем-хашаклардан тежаб-тергаб фойдаланиладиган бўлди. Эндиликда оз маблағ ва меҳнат ҳисобига кўп ва арзон маҳсулот етиштирилмоқда. Гўшт ва сутнинг таннархи кескин пасайди. Чорвачиликнинг сердаромад соҳага айланганлигининг боиси ҳам, асосан ана шундадир.

Шу кунларда райондаги 11 та колхозда 23 та чорвачилик участкалари ишлаб турибди. Крупская номли колхозда сут етиштириш ва сотиш юзасидан ўтган йил топшириғи тўққиз ойда бажарилди. Коммунист Сафар Одилов раҳбарлик қилаётган чорвачилик участкаси коллективи йиллик планни сутчилик бўйича 120 процент, гўштчилик бўйича 160 процент қилиб бажарди. Тухум сотиш топшириғи икки ҳисса ошириб адо этилди. Рўзибиби Сайфиева ҳар бир сигирдан бурноғи йилдагига қараганда 300 килограмм кўп сут соғиб олди. Ленин номли, Охунбобоев номли, Энгельс номли ва Тельман номли колхоз чорвадорлари ҳам ана шундай қувончли ютуқларга эришдилар. Илғор сут соғувчилардан райком пленуми аъзолари Турсун Ризаева ва Раиса Худойназаровалар биринчи квартал планини бажариш арафасида туришибди.

Гўшт етиштиришни кўпайтиришда колхозлараро ва совхозлараро бўрдоқичилик пунктлари қўшаётган ҳисса айниқса катта бўлмоқда. Илгари Каттақўрғон совхозлараро бўрдоқичилик пунктида 200 килограммлик вазндаги қорамоллар қабул қилиб олиниб, улар 250-260 килограммга етгач, гўшт учун топшириб юборилар эди. Бу ерда барча қўл ишлари механизациялаштирилди, қорамолларни зоотехника қоидалари асосида боқиш алоҳида назорат қилиб борилмоқда. Молбоқар Шопўлат Раҳмонов ва Обрў Қаршиевлар ҳар бош қорамолнинг суткалик семиришини 800 граммга етказмоқдалар. Бўрдоқичилик пунктида ҳозир 4 минг бош қорамол боқиляпти.

Колхозлараро бўрдоқичилик пункти ходимлари бузоқларни ўн кунлигидан бошлаб алоҳида боқиш ва гўшт етиштиришни яна ҳам кўпайтириш ташаббуси билан чиқдилар. Бўрдоқичилик пунктида қисқа вақт ичида 800 ўринли комплекс чорвачилик биноси қад кўтарди. Бузоқхоналарга автомат линиялар ҳамда суғориш агрегатлари ўрнатилди. «УВТ-20», «ТСН-306» сунъий сут тайёрлайдиган механизмлари ишга туширилди. Район партия комитети бу ташаббусни маъқуллаб чорвачилик комплексини ишбилармон кадрлар билан таъминлашга киришди. 1972 йилнинг август ойида райондаги 10 та колхоздан 10-20 кунлик наслли бузоқлар пунктга келтирилди. Ўрта мактабни тугаллаган 12 йигит ва қиз бузоқ боқувчи қилиб тайинланди. Ойбаҳор Аслонова, Муҳаббат Шоназарова, Фазилат Жалиловалар 300 бош бузоқни парвариш қилмоқдалар. Уларнинг боқимидаги бузоқлар бир кеча-кундузда 700-800 граммдан этга-эт қўшмоқда.

Келгусида бу чорвачилик комплекси янада кенгайтирилади. Бўрдоқичилик пунктида 400 ўринли яна бир бузоқхона қурилади ва 6 ойлик бузоқларни боқишга ажратилади. Бу йил олти ойдан ўн икки ойгача бўлган бузоқларни боқиш учун ҳам алоҳида бузоқхона қурилади. Натижада райондаги барча колхозлардан бузоқларни тўла қабул қилиб олиш имкони вужудга келади. Биз бундай чорвачилик комплексларини бир неча колхозларда барпо этишни планлаштириб қўйганмиз. Тельман номли колхозда янги чорвачилик комплекси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Хўжалик 150 бош зотдор сигирлар сотиб олди. Тез вақт ичида колхоз чорвачилик комплексида асралаётган қорамолларнинг ҳаммаси зотдор ёки насли яхшиланган молларга айлантирилади.

Районимиз чорвадорлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «1972-1973 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва тайёрлашни кўпайтириш учун чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарорини зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Мазкур қарор барча бошланғич партия ташкилотларида кенг муҳокама қилинди, чорвачилик участкаларида чуқур ўрганиб чиқилди. Чорвачиликни янада ривожлантириш, чорва маҳсулдорлигини ошириш тадбирлари белгиланди. Имкониятлар қайта ҳисоб-китоб қилиниб, оширилган мажбуриятлар қабул қилинди.

Район чорвадорлари чорва қишловини намунали ўтказмоқдалар. Бир ярим йилга етарли миқдорда жамғарилган дағал хашак молхоналар ёнига ташиб келтирилган. Ҳар бош сигир ҳисобига 9 тоннадан силос бор. Колхоз ва совхозларда 9880 тонна сенаж тайёрлаш плани уч баравар ошириб бажарилган. Район партия комитети ва район ижроия комитети илғор чорва участкалари учун кўчма Қизил байроқ таъсис этди. Бу байроқ ҳар кварталда бир марта социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётган, энг кўп гўшт, сут, жун, қоракўл тери ва бошқа маҳсулотлар топширган коллективларга тантанали тарзда тақдим қилинади. Район партия комитети чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва тайёрлашни яна ҳам кўпайтириш учун чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақани авж олдиради.

С. РАЖАБОВ,
Каттақўрғон район партия комитетининг биринчи секретари.

ВЬЕТНАМДАГИ УРУШНИ ТЎХТАТИШ ВА ТИНЧЛИКНИ ТИКЛАШ ТЎҒРИСИДА БИТИМ

(Боши 1-бетда)

Жанубий Вьетнамдаги иккала томон ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимга риоя қилиш ва Жанубий Вьетнамда тинчликни сақлаш, ҳамма низоли масалаларни музокаралар йўли билан ҳал этиш ва ҳар қандай қуролли можароларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар.

Ўт очиш тўхтатилгандан кейин Жанубий Вьетнамдаги иккала томон дарҳол миллий ярашга ва иноқликка эришадилар, нафрат ва адоватга чек қўядилар, у ёки бу томон билан ҳамкорлик қилган айрим шахслар ёки ташкилотларга нисбатан ўч олиш ва камситишнинг ҳар қандай ҳаракатларини тақиқлайдилар. Мазкур томонлар халқнинг демократик эркинликларини: шахс эркинлигини, сўз эркинлигини, матбуот эркинлигини, йиғилишлар эркинлигини, ташкилотлар эркинлигини, сиёсий фаолият эркинлигини, дин эркинлигини, ҳаракат эркинлигини, истиқомат жойини танлаш эркинлигини, иш танлаш эркинлигини, ўз мулкига эга бўлиш ҳуқуқини ва эркин соҳибкорлик ҳуқуқини таъминлайдилар.

Ўт очиш тўхтатилгандан кейин, дейилади ҳужжатда, Жанубий Вьетнамдаги иккала томон учта тенг элементдан иборат миллий яраш ва иноқлик миллий кенгашини тузиш учун миллий яраш ва иноқлик, ўзаро ҳурмат руҳида дарҳол маслаҳатлар ўтказадилар.

Миллий яраш ва иноқлик миллий кенгаши Жанубий Вьетнамдаги иккала томоннинг ушбу битимни бажаришига, миллий яраш ва иноқликка эришишга ҳамда демократик эркинликларни сақлашига ёрдам бериши керак. Ана шу кенгаш эркин ва демократик умумий сайловни ташкил этади ва уни ўтказишнинг тартиблари ва шартларини белгилайди. Умумий сайлов ўтказиш натижасида тузиладиган муассасалар Жанубий Вьетнамдаги иккала томон ўртасидаги маслаҳатлар жараёнида келишиб олинади.

Жанубий Вьетнам тинчлик ва мустақилликдан иборат ташки сиёсатни ўтказади, деб таъкидланади битимда.

Вьетнамни қайта бирлаштириш Шимолий ва Жанубий Вьетнам ўртасидаги муҳокамалар ва битимлар асосида, ҳеч бир томоннинг зўрлаши ёки аннексия қилишига йўл қўймай ҳамда четдан ҳеч кимни аралаштирмай, тинч воситалар билан қадам-бақадам амалга оширилади. Қайта бирлашиш муддатлари Шимолий ва Жанубий Вьетнам ўртасида келишиб олинади.

Қайта бирлашишга қадар 17-параллелдан ўтадиган иккала зона ўртасидаги ҳарбий демаркация чизиғи 1954 йилги Женева кенгаши якунловчи декларациясининг 6-параграфида кўзда тутилганидек, муваққат характерга эга бўлади ва сиёсий ёки территориал чегара ҳисобланмайди.

Шимолий ва Жанубий Вьетнам муваққат ҳарбий демаркация чизиғининг ҳар бир томонининг демилитарлаштирилган зонасига риоя қиладилар.

Шимолий ва Жанубий Вьетнам турли соҳаларда нормал муносабатларни қайта тиклаш мақсадида ҳеч кечиктирмай музокара бошлашлари керак. Муҳокама қилинадиган масалалар орасида муваққат ҳарбий демаркация чизиғи орқали одамларнинг ўтиш шартлари бор.

Шимолий ва Жанубий Вьетнам, дейилади сўнгра битимда, ҳеч қандай ҳарбий иттифоққа ёки ҳарбий блокка қўшилмасликлари керак. 1954 йилги Вьетнамга доир Женева битимларида кўзда тутилганидек, ажнабий давлатларга ўзларининг тегишли территорияларида ҳарбий базаларга, қўшинларга, ҳарбий маслаҳатчилар ва ҳарбий хизматчиларга эга бўлишга рухсат бермасликлари лозим.

Сўнгра битимда уқтириб ўтиладики, Жанубий Вьетнамда тўрт томонлама қўшма ҳарбий комиссия, икки томонлама қўшма ҳарбий комиссия тузилади.

Венгрия, Индонезия, Канада, Польша вакилларидан иборат халқаро кузатиш ва контроль қилиш комиссияси тузилади.

Томонлар имзоланган битимларни тасдиқлаш учун, шунингдек Вьетнамдаги урушни тўхтатишни, тинчликни сақлашни, Вьетнам халқининг асосий миллий ҳуқуқлари ва Жанубий Вьетнам халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ҳурмат қилинишини гарантиялаш, бинобарин Ҳинди-Хитойдаги тинчликка кўмаклашиш ва бу тинчликни сақлашни гарантиялаш учун ушбу шартнома имзоланган пайтдан бошлаб, ўттиз кун мобайнида халқаро кенгаш чақириш тўғрисида бир қарорга келдилар.

Сўнгра битимда таъкидлаб ўтиладики, ВДР ва АҚШ Вьетнамга доир Париж музокараларида қатнашган томонлар номидан Буюк Британия, ХХР, СССР ва Францияга, кузатиш ва контроль қилиш халқаро комиссиясининг аъзолари бўлган тўрт мамлакат — Венгрия, Индонезия, Канада ва Польшага, шунингдек БМТ Бош секретарига Вьетнамга доир Париж музокараларида қатнашган томонлар билан биргаликда ана шу халқаро кенгашда қатнашишни таклиф қиладилар.

Вьетнамга доир Париж музокараларида қатнашувчи томонлар Камбоджага доир 1954 йилги Женева битимларига ва Лаосга доир 1962 йилги Женева битимларига ҳеч оғишмай риоя қиладилар, бу битимларда Камбоджа ва Лаос халқларининг асосий миллий ҳуқуқлари, шу мамлакатларнинг мустақиллиги, суверенитети, бирлиги ва территориал даҳлсизлиги ҳуқуқлари эътироф қилинган. Томонлар Камбоджа ва Лаоснинг бетарафлигини ҳурмат қиладилар.

Вьетнамга доир Париж музокараларида қатнашувчи томонлар бир-бирларининг ва бошқа мамлакатларнинг суверенитетига ҳамда хавфсизлигига тажовуз қилиш учун Камбоджа территориясидан ва Лаос территориясидан фойдаланишдан тийилиш мажбуриятини оладилар.

Ажнабий давлатлар Лаос ва Камбоджадаги ҳарбий характерга эга бўлган ҳар қандай фаолиятга чек қўйишлари, ана шу иккала мамлакатдан қўшинларни, ҳарбий маслаҳатчиларни ва ҳарбий хизматчиларни батамом олиб чиқиб кетишлари, қурол-яроғларни, ҳарбий мол-мулкни ва ҳарбий материалларни ташиб олиб кетишлари, ана шуларни бу мамлакатларга қайтадан олиб келишдан тийилишлари лозим.

Камбоджа ва Лаоснинг ички проблемаларини ана шу мамлакатлар ҳар бирининг халқи четдан ҳеч кимни аралаштирмай ҳал қилиши керак.

Ҳинди-Хитой мамлакатлари ўртасидаги мавжуд проблемаларни Ҳинди-Хитойдаги томонлар мустақиллик, суверенитет ва территориал даҳлсизликни ҳурматлаш, шунингдек бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик асосида ҳал этишлари лозим.

Қўшма Штатлар уруш жароҳатларини тузатишга ҳамда ВДРни ва бутун Ҳинди-Хитойни урушдан кейин қайта тиклашга ўз ҳиссасини қўшади, деб таъкидланади битимда.

Вьетнамдаги урушнинг тўхтатилиши ва тинчликнинг тикланиши ҳамда ушбу битимнинг оғишмай бажарилиши ВДР билан АҚШ ўртасида мустақилликни ва суверенитетни ҳурмат қилиш, шунингдек бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик асосида янги, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатиш учун шарт-шароит яратади. Айни вақтда бу нарса Вьетнамда мустаҳкам тинчлик бўлишини таъминлайди ҳамда Ҳинди-Хитойда ва Жануби-Шарқий Осиёда мустаҳкам тинчлик ўрнатишга кўмаклашади.

Ушбу битим имзолангандан кейин кучга киради.

Бу ерда Вьетнамдаги урушни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш тўғрисидаги битимга доир тўртта протоколнинг:

Жанубий Вьетнамда ўт очишни тўхтатиш ва аралаш ҳарбий комиссиялар тўғрисидаги;

кузатиш ва контроль қилиш халқаро комиссияси тўғрисидаги;

асир олинган ҳарбий хизматчиларни, ажнабий давлатларнинг ушлаб олинган ва қамаб қўйилган граждан шахсларини ҳамда Вьетнам граждан шахсларини қайтариб бериш тўғрисидаги;

ВДРнинг территориал сувларидаги, портларидаги ва сув йўлларидаги миналарни йиғиштириб олиш, батамом зарарсизлантириш ва йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги протоколларнинг текстлари ҳам эълон қилинди.

Қувонч хабарлар

ФАРҒОНА. 8-қурилиш трестининг Анатолий Функ бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси мамлакатда энг йирик корхоналардан бири бўлган триацетилцеллюлоза заводи пойдеворига дастлабки куб метр бетон ётқизди. Бу корхона Фарғонадаги азотли ўғитлар заводи яқинида барпо этилмоқда. Триацетилцеллюлоза муҳим химиявий хом ашё бўлиб, синтетик тола ва кино-фотоплёнкалар ишлаб чиқариш учун ишлатилади. Фарғонадаги бу янги корхона беш йилликнинг охирида ишга туширилади. Завод ўн минглаб тонна ана шундай маҳсулот ишлаб чиқарадиган бўлади.

* * *

ҚАРШИ. Қарши сут комбинатида компрессор цехини реконструкция қилиш тугалланди. Энди корхонада совук ҳосил қилиш соатига 300 минг килокалорияга етказилади. Бу эса Қаршида қоғозга ўралган мороженое тайёрлашни йўлга қўйиш имконини беради. (ЎзТАГ).

Тошкентдаги «Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмасининг ишчилари янги йилда ўз зиммаларига оширилган мажбурият олиб, астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бу ерда мусобақа илғорларининг сафи кун сайин ўсиб бораётир. Суратда: тўқув цехининг илғорларидан (чапдан) Ж. Иброҳимова, В. Потапова ва Н. Кислевалар.

М. Нуриддинов фотоси.

Сирдарё область Жиззах район хўжаликларида техникани ремонт қилиб, кўклам экиш кампаниясига тайёрлаш ишлари кун сайин қизитилапти. Суратларда: (юқоридан пастга) шу райондаги Навоий номли колхоз устахонасида техникани кўкламга шайлаётган моҳир механизатор ремонтчилардан Н. Низомов, М. Саъдуллаевлар. Ғ. Аҳмаджонов ва пастда (чапдан) К. Миялаев ва А. Абдуллаевлар иш устида.

А. ТУРАЕВ фотолари.



ЧОРВА—ЗАРБДОР ФРОНТ

ИККИ ШАРТ

(Ёзувчи ён дафтаридан)

Қашқа воҳасида бир эмас, бир неча маэта бўлганман. Обкомнинг биринчи котибига ҳар сафаргидек «Яна келдим, чорвадорлар ҳақида очерк ёзиш ниятим бор» деб суҳбат орасида шипшитиб қўйдим.

— Ниятингиз йўлдошингиз бўлсин. Қашқадарёмизнинг осмони мусаффо, одамлари беғубор. Ёзса арзийди! — деди Рўзимат Ғойибов хилма-хил сводкаларни кўздан кечирар экан.— Бутуниттифоқ социалистик мусобақага қўшилган чорвадорларимиз, паррандачиларимиз зиммаларига катта мажбурият олиб, беллашувда пешқадамлик қилишяпти. Ҳозирча натижа ёмонмас. Чорвадорлар 1973 йилнинг биринчи квартал гўшт топшириш планини муддатидан икки ой бурун ўринлаб қўйдилар. Бу ўтган йилдагига нисбатан жуда қувончли натижа.

Мен бош чайқаб блокнот саҳифаларини рақамларга тўлдира бошладим. Гап-гапга қовушгандан кейин суҳбат ҳам мароқли, фактлар ҳам маъноли бўлар экан.

* * *

Мана, воҳанинг асосий чорва районларидан бири — Ғузор. Район партия комитетида яхши ишлари тилга олинган Ленин номли колхоздаман. Колхоз раиси Абдулла Турсунов лутфан пахтакор деҳқон. Аммо аслида чўпонлар сулоласидан экан. Суҳбат чорва қишлови ҳақида борганда касби-корини ҳурматлаб, «қишлов — чорвага синов!» деб саволларга бурро-бурро жавоб қилди.

— Колхозимизда 1517 бош қорамол, 331 та чўчқа, 1800 та қўй, 4483 та парранда боқилади, — деди ёддан, гўё ҳамма рақам ва кўрсаткичларни қуввати ҳофизасида маҳкам сақлаб тургандек.

У рақамларни тилга киритаётганга ўхшарди. Мол-ҳолларни бевосита бошқараётган чўпон-чўлиқлар, ферма мудирлари ҳақида аллақандай самимият билан гапирарди.

— Колхозимизда 14 та отар бор. Машҳур чўпон ва ферма мудирларимиз Тожи Оролов, Малла Шерқулов, Хонигул Тўраева, Соқи Жумаев... яхшиси бу кишилар тўғрисида партия ташкилотимиз секретари гапириб берсин. Ҳа, улаэнинг ҳаммаси коммунист, комсомоллар.

Ҳозиржавоб Нажим Қодиров фахрланиб ҳикоя қилди:

— Раис бува нафсиламбир гапни айтдилар. Мол-ҳолларнинг ҳаммаси мана шу чўпонлар бошлиқ отарларга тақсимланган. Колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг бу ташаббусини Ғузор район партия комитети маъқуллади. Дарҳақиқат, коммунист ва комсомоллар отарлаэга бош-қош бўлишяпти. Чорванинг аҳволидан кўз-қулоқ бўлиб туришибди. Чунончи, «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланган Хонигул опани олайлик. Сут соғишда республикада биринчи десак катта кетворсам керагу, лекин областда ўз касби-корининг «пири» десам хато қилмасман.

Ҳа, худди шундай. Хонигул опа ўтган йили ўзига бириктирилган 10 сигирнинг ҳар биридан 1500—1700 килограммдан сут соғиб олди, биттадан зотли бузоқ етиштирди. Бу йил 2000 килограммдан сут соғиш, 12 та бузоқ олиш, гўшт ва сут таннархини камайтириш мажбуриятини олган.

Бузоқбоқарлар фермасининг иши ҳам чакки эмас. КПСС аъзоси, ферма мудири Малла Шерқулов ўз ишига чапдаст йигит. Ўтган йилги ноқулай ҳавога қарамай, 44 та бузоқни қишдан омон олиб чиқди. Новвосларни сўқимга топширди. Энди 94 та бузоқни парвариш қиляпти.

Холва деган билан оғиз чўчимагандек. бу ишлар қаттиқ қийинчиликлар билан бўляпти. Чўпонларнинг меҳнати оғир. Кеча-кундуз оёқ учида. Қўй-қўзилар ҳам ором оладики, чўпон тиниб-тинчимайди. Даштма-дашт юради. Отарларни гоҳ молхонага ва гоҳ чўлга ҳайдайди.

Партком қўйчилик фермасининг чўпонлари Соқи Жумаев ва Тожи Ороловларнинг меҳнат фаолиятини таърифлаб берди. Мана шу номлари зикр этилганлар юз қўйдан 150 тадан қўзи, 3,5 килодан жун олишни, совлиқлар туёғини кўпайтиришни, айниқса наслдор қўзилар етиштиришни ўзларига қатъий вазифа, шаэафли бурч қилиб қўйганлар.

Суҳбат ниҳоясига етди. Хайрлашар эканмиз, кимдир отарларда истиқомат қилаётган чўпон-чўлиқларнинг маданий-маиший ишлари тўғрисида гап очди.

— Ҳа, чўпонларнинг турар жойлари газлаштирилган. Телевизор, радио вақтларини хуш қилиб туради. Ҳафтада бир марта кино кўришади, — деб қўйди раис ҳам, партком ҳам.

* * *

...Киров номли совхоз. У сертармоқ хўжалик. Бу совхозни одамлари ҳам пахтакор, ҳам ғаллакор, ҳам полизкор, асосан чорвадор дейишганди. Дарҳақиқат, ерининг бир томони Ленин колхозига, иккинчи томони Қарши даштига туташган, бепоён яйловлардаги сурув-сурув қўй-қўзилар кўзларимизга ажойиб манзара бағишлади.

— Ўша сиз бормоқчи бўлган Қарши чўлидаги «Нишон» совхози билан чорвачилик бобида беллашсак беллашамизки, сира уялмаймиз» — деб истиқболга чиққан совхоз директори ёнбағирда ўтлаб юрган отарга имо қилди. — Жониворларни кўряпсизми, турган-битгани, ғарчча мой.

Боболаримизнинг ранг кўр, ҳол сўр деганларича бор. Назаримда, совхознинг шунга арзийдиган чорваси бўлмаса, директори бунчалик демаган бўларди. Маълум бўлишича, фақат совлиқнинг ўзи ўн минг бир юз саксон бешта экан.

Кировликлар ўтган йили шундан ўн етти минг бир юз етмиш тўртта қўзи олишибди. Бу йил эса, йигирма мингга чоғлаб туришибди. Ҳиммати баланд чўпонлардан Жўра Кенжаев, Боймирза Ашуров, ака-ука Чориевлар ҳар юз бошдан 130 тадан қўзи, ҳа бир қўйдан 3,5 килограммдан жун олиш учун курашмоқда. Ўн мингга яқин совлиқни ўн уч мингга етказишмоқчи. Улар бу йил «Бир қўйга бир қўзи ёки битта қоракўл тери!» деган аҳду паймон билан ишлашяпти.

Сут соғувчи Майна Тўраева, Мингнор Жўраева, Мелиҳон Очилова, қолаверса эл-юрт манфаати йўлида ҳормай-толмай ишлаётган паррандачи Сайёра Азаматоваларни айтмайсизми? Бу опа-сингилларнинг жасоратларини ҳар қанча таъриф қилсак оз!..

Совхознинг бош паррандабоқари коммунист Сайёра Азаматова тўғрисида алоҳида тўхтаб ўтиш лозим. Ўтган йили 3170 товуқни парвариш қилиб, пландаги 200 минг ўрнига 220 минг дона тухум ҳадя этди. Ҳар товуқдан 74 ўрнига 94 донадан тухум олди. 53 центнер парранда гўшти етиштирди. Бу йил 6012 товуққа қараяпти. товуқдан 600 минг тухум олмоқчи. Ҳар 1000 дона тухумнинг таннархини пландаги 90 сўм ўрнига 60 сўмга туширмоқчи. Парранда гўшти етиштиришни арзонлаштириб совхозга 350 минг сўм соф фойда келтирмоқчи. Албатта, раис айтгандай, бундай ютуқлар осонликча қўлга кирмайди. Сайёрахоннинг меҳнати замирида катта ўйлар, ижодий изланишлар, тинимсиз ташвишлар ётибди.

— Модомики, кировликлар «Нишон» қоракўлчилик совхози билан беллашишни дилга тугиб қўйган экан, буни астойдил табриклаш керак. Истардимки, «Нишон» совхозининг таърифини мендан эшитгандан кўра, ўзингиз бориб кўринг, — деди Қарши район партия комитетининг биринчи котиби, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати ўртоқ Омонов. — Айтмоқчи, яқинда республика ҳукумат раҳбарлари ҳам «нишон»ликларнинг ишидан мамнун бўлиб кетдилар. Бизда жамоат чорвачилиги йилма-йил тараққий этяпти. Чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор беряпмиз. Ҳозир колхоз-совхозлаэимизда чорва қишловини таъминлайдиган 39 минг 867 тонна дағал хашак бор. Бундан ташқари, чорвачилик маҳсулотларини ошириш мақсадида бедазорлар 3500 гектарга, маккажўхори майдони 1300 гектарга кўпайтирилди.

Ажойиб рақамлар, диққатга сазовор фактлар мени Қизилқумга ҳаёт бағишлаган «Нишон» совхозига йўллади. Бу ерда умрларини чорвачиликни ривожлантиришга сарфлаётган саҳро султонлари Нишонбой Бойқулов, Ҳамид Султонов, Жума Имомов, Қаршибой Қулмуродов, Шербой Бозоров, Омон Шерқулов, Шоди Бойқуловлаэ билан танишиш ғоят кўнгилли ва маъноли бўлди.

Чўпонлик касбини ота мерос деб ардоқлаган бу шунқорларнинг ҳар бири минглаб қўй, юзлаб қорамолни ўз қанотига олган, ногиҳон офатлардан сақлашмоқда. Сигир, бузоқ, қўй-қўзини қиш чилласидан семиз ва соғлом олиб чиқиш ҳам жуда нозик санъат, ҳақиқий мўъжиза!

Мана шундай тадбиркор кишилардан бири 4-ферма мудири Шоди Бойқулов! Ҳали ёш, Самарқанддаги қишлоқ хўжалик институтини тугатиб, «Нишон»га келганига олти йил бўлибди, холос. Шундан бери қўйчилик фермасига бошлиқ. 14 минг қўй қарамоғида. Сарҳисоб қилинса, бу ўн тўрт минг қўзи ёки 14 минг энг аъло сур демак!

«Нишон» совхозида бунақа саховатли фермачилар кўп. Ўрта ҳисоб билан 17 та! Ҳар қайси отарда кам деганда, ўн минг совлиқ қўй бўлса... Ҳар юз бош қўйдан 160 тадан қўзи-қоракўл тери олинса... Ҳеҳ-ҳей, Қизилқумни чорва босиб кетади, деяверинг.

Бу ерда бошқа жойларда кўрганимдек, агроном, зоотехник, ветврач, илмий жамият лектори, киномеханикдан тоэтиб, чорвадорларга ғамхўрлик қилаётган, ҳамдард, яйлов баҳодирлари ёнида, отар бошида, ферма қошида кеча-кундуз, ҳозиру нозир камар-басталарни учратдим.

Ниҳоят, хотира ва таассуротлар билан обкомга қайтдим. Баъзи фикр ва мулоҳазаларга аниқлик киритиш, чунончи, район матлубот жамияти праэвлениеси раҳбарларининг чорвадорларни иссиқ кийим, айниқса, кавишмахси, этик, қўлқоп билан таъминлашдек муҳим бурчларини унутиб қўйганларини эслатиб ўтиш лозим эди.

Мен Қизилқум чорвадорлари эришаётган муваффақиятларнинг сири ҳақида сўраганимда обком секретаэи яна равшан жавоб қилди:

— Аввалам бор, жойлардаги партия-сэвет ташкилотларининг масалага ижодий ёндашиб, тўғри раҳбарлик қилишларида, қолаверса, чорвадорларимизнинг ўз ишларига онгли муносабатларида. Мана шу икки муҳим шарт таъминланар экан, зафар қучилиши муқаррар!

Ҳаммаси равшан. Бошқа изоҳга ҳожат йўқ.

Мумтоз МУҲАМЕДОВ,
Қарши—Тошкент.

СПОРТ ХАБАРЛАР

ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИЛАР

Ўтган йилги футбол ўйинларининг якунларига кўра, СССР футбол федерацияси президиуми энг яхши футболчилари рўйхатига 33 кишини киритди. Улар қуйидагилар: дарвозабонлар — Киевнинг «Динамо»сидан Е. Рудаков, торпедочи В. Банников, ҳимоячилар — киевлик динамочи С. Доценко, тбилисилик динамочи М. Хурцилава, армиячи М. Капличний, ярим ҳимоячилардан киевлик динамочи В. Мунтян, тбилисилик динамочи М. Мачаидзе, армиячи В. Федотов, киевлик динамочи В. Колотов, москвалик торпедочи В. Папаев, ҳужумчилардан киевлик динамочи А. Пузач, тбилисилик динамочи Г. Нодия, «Заря»дан О. Онищенко ва бошқалар.

Қизиғи шундаки, ўтган йил мавсумининг 33 нафар энг яхши футболчиси рўйхатида тилга олинганлардан 21 кишиқ биринчи марта шундай номга сазовор бўлган ўйинчилар.

БИЛЛУР СОВРИН УЧУН БЕЛЛАШУВЧИЛАР

Биллур соврин — СССР кубоги учун бўладиган ўйинлар тартибини белгилаш мақсадида қуръа ташланди. Қуръа қайси команда қайси коллективлар билан ўйнашини ойдинлаштириб берди. Дастлабки ўйинлар 4-10 мартда бўлади. Бу учрашувларда биринчи лига вакилларидан 8 таси қатнашади. 15 мартдан олий лигачилар кураш бошлайдилар. Улар 1/16 финал ўйинларида иштирок этадилар. Нимчорак финал 5—27 июнь кунлари ўтади. Чорак финалчилар 11—27 июлда кубок учун куч синашадилар. 1—15 август кунлари ярим финал учрашувларининг ғолиблари аниқланади.

«Пахтакор» командаси дастлабки учрашувни Ивано-Франковскнинг «Спартак» ва Ивановонинг «Текистильшчик» коллективлари ғолиби билан ўтказади. Пахтакорчилар бу учрашувда муваффақиятли ўйнашса, нимчорак финал ўйинларида ё Кутаисининг торпедочилари билан, ё Марказий армия спорт клуби футболчилари билан соврин учун курашни давом эттирадилар.

Кубок ўйинлари қоидасига кўра, учрашувларда ютқазган командалар ўйиндан чиқади. Натижалари тенг келиб қолган командалар учун қўшимча ярим соат вақт берилади. Шунда ҳам ғолиб аниқланмаса, 11 метрлик жарима тўплари тепилади.

ЯНГИ МАСТЕРЛАР

Республикамизда маҳоратли спортчилар кўпайиб бормоқда. Яқинда улар сафига яна анчагина янги спорт мастерлари қўшилди. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитети Бутуниттифоқ ягона спорт классификацияси норма ҳамда талабларини бажарган ўзбекистонлик спортчилардан бир гуруҳига СССР спорт мастери унвонларини берди.

Янги мастерлар орасида классик курашчи Ю. Қаландаров («Буревестник» Тошкент), эркин курашчи К. Ефименко, сурхондарёлик самбочи Р. Ҳасанов, тошкентлик қайиқ ҳайдаш устаси И. Исмоилов, спорт гимнастикаси маҳоратини эгаллаган темир йўлчи А. Каримов, динамочи О. Нилова, Замонавий бешкурашдан яхши ўйинлар кўрсатаётган спартакчи Г. Чудаев, фарғоналик оғир атлетикачи М. Қорабоев, самарқандлик Д. Муждабоевлар бор.

АХБОРОТ

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

«ХОЛИСХОН» — СУРХОНДАРЁДА

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Холисхон» драмаси Сурхондарёда ҳам саҳналаштирилди. Асарга А. Н. Островский номидаги Тошкент Давлат театр-рассомчилик институтининг катта ўқитувчиси А. Абдураззоқов режиссёрлик қилган. Бош ролларни республикада хизмат кўрсатган артистлар Х. Бобохонова, С. Нурматов ва Т. Латиповалар ижро этишмоқда. Асарни сурхондарёлик театр мухлислари зўр қизиқиш билан қарши олдилар.

ЁЗУВЧИ — КИМЁГАРЛАР МЕҲМОНИ

«Тақдир» романини китобхонлар севиб ўқишади. Ўзбек аёллари ҳаётига бағишланган бу асар рус, украин, белорус, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларига таржима қилинган. Китобнинг инглиз, француз ва испанча нусхалари ҳам чоп этилган. Яқинда роман муаллифи Чирчиқдаги кимёгарлар саройида меҳмон бўлди. Китобхонлар конференциясида завод ва фабрика ишчилари, кутубхона ходимлари, журналистлар, студентлар ва ўқувчилар иштирок этишди. Кечада ёзувчи Иброҳим Раҳим романининг ёзилиш тарихи ҳақида ҳикоя қилиб берди. Ёзувчининг ижодий йўли ва ёш қаламкашларга ёрдами ҳақида шоирлардан Сайёр ва Виталий Качаевлар гапирдилар.

ПАЗАНДАЛАР КЎРИГИ

Термизда ёш пазандалар ва новвойларнинг область кўриги бўлди. Ёшларнинг пазандалик санъатига ресторан ва ошхоналарнинг тажрибали ошпазлари баҳо беришди. Кўрик қатнашчилари ўзбек, рус, украин ва татар таомларини тайёрлашда анча маҳорат кўрсатдилар. Ғолибларга ёрлиқ ва қимматбаҳо буюмлар берилди.

А. НИЗОМОВ.

ИШЧИ СИНФИНИНГ ВОРИСЛАРИ

ЁШЛАР КЕЛАЖАГИМИЗ

«Ҳунар-техника билим юртлари ёшларни профессионал тайёрлаш ва ишчилар синфининг муносиб ўринбосарларини вужудга келтиришнинг асосий мактаби бўлиб қолмоқда».

(КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ҳунар-техника таълим системасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қароридан).

Катта ҳаёт бўсағасида турган ёш авлодни тарбиялаш, уларга касб-ҳунар ўргатиб, мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли жабҳаларини ишчи ва деҳқон синфининг муносиб ўринбосарлари билан таъминлаш — ҳунар-техника билим юртларининг асосий вазифасидир. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг олдинги бир қатор ва кейинги «Ҳунар-техника таълим системасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларида бу масалага катта эътибор берилди. Саккизинчи беш йилликда республикамизда 39 та ҳунар-техника билим юрти очилиб. уларда халқ хўжалигининг турли мутахассисликлари бўйича 170 мингдан ортиқ малакали ишчи-кадрларнинг тайёрланганлиги — фикримизнинг далилидир.

Тошкент шаҳридаги 4-ҳунар-техника билим юрти коллективи ҳам республикамиздаги мавжуд 132 билим юртининг бири сифатида 33 йилдан буён бу соҳада каттагина ишларни амалга ошириб келяпти.

Бу давр ичида билим юрти даргоҳидан кабель пайвандчилар, монтёрлар, киномеханиклар, телеграф механиклари, алоқа аппарати ремонтчилари, почта ва радио операторлари каби ўн беш хил ихтисосликка эга бўлган ўн икки мингга яқин малакали ишчи кадрлар муайян касб-ҳунар ва билим олиб чиқишди. Улар бугунги кунда Алоқа министрлиги системасида, Ўзбекистон халқ хўжалигининг турли соҳаларида муваффақиятли ишламоқдалар.

Билим юртида юқори малакали ва бой тажрибага эга бўлган, аҳил педагогик коллектив мавжуд. 15 ўқитувчи 15-25 йиллик меҳнат стажини шу ерда орттирган. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи У. Исломов, Т. З. Степановлар шулар жумласидандир. Республикамизнинг Термиз, Хоразм, Наманган, Марғилон, Қўқон, Нукус, Қарши, Бекобод, ва бошқа қатор шаҳар, посёлка ва қишлоқларидан келган 30 миллатнинг 750 йигит-қизи уларнинг қўлида таълим-тарбия олишяпти, касб ўрганишяпти.

Ҳунар-техника таълими йил сайин яхшиланиб, унинг моддий базаси мустаҳкамланиб боряпти. Ёшларга касб-ҳунар ўргатиш билан биргаликда ўрта маълумот ҳам берилмоқда. Физика, химия ва биология, тарих ва жамиятшунослик, рус тили ва адабиёти, математика ва чизмачилик, эстетик тарбия, электротехника, телеграф, телефон, акустика, кинотехника сингари 12 та ўқув кабинети ва лабораториялар мунтазам ишлаб турибди. Улар кўргазмали қуроллар, энг замонавий асбоб-ускуналар, аппаратура ва қўлланмалар билан тўла таъмин этилган.

Табиий фанлар қатори ижтимоий фанлар бўйича ўтказилаётган машғулотларда ҳам магнитофон, диапозит ва диафильм каби техник воситалардан кенг фойдаланяпмиз. Бу, ёшлар билимининг мустаҳкам ва уларнинг меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишида катта роль ўйнаяпти. Карточка-топшириқ, кабинет-ўқуви методи ва программали ўқитиш формаларини кенг қўлланяпмиз. Буларнинг ҳаммаси ўқувчилар активлигининг ошишида муҳим омил бўляпти.

Ўқув педагогик тажрибамизда меҳнатни илмий ташкил этиш асосий ўрин тутяпти. Химия кабинети лабораториясининг қайта реконструкция қилиниши — ўқув жараёнида НОТнинг татбиқ этилишига ёрқин мисолдир. Бу ердаги ўқув ўринларида лаборатория ишларининг намунали ўтиши учун барча қулайликлар муҳайё. Ҳар бир столга сув, керакли прибор, химикат ва реактивлар қўйилган. Бу — ўқув жараёни давомида тажрибаларнинг муваффақиятли тугаши ва ўқувчиларнинг вақтини тежашга ёрдам беряпти. Айни вақтда улар олган назарий билимларини амалда қўлланиш кўникмасини ҳосил қиляпти.

Билим юрти Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги корхоналари, кинематография Давлат комитети базалари билан мустаҳкам алоқа боғлаган. Бу ташкилотларда ўқувчилар ҳар йили ишлаб чиқариш практикасида бўлиб, меҳнатдаги илғор тажрибалар билан яқиндан танишадилар. Улар практикалари давомида тажрибали мутахассислар раҳбарлигида алоқа линияларини реконструкция ва ремонт қилиш ишларида қатнашади, қўриқ ерлардаги колхоз ва совхозларда янги-янги коммуникациялар ўрнатади, ер ости кабелларини ётқизади, радио узел ва телефон станцияларини жиҳозлайдилар.

Тошкент областининг «Коммунизм» колхози меҳнаткашлари билим юрти коллективини миннатдорчилик билан эслашади. Ўқувчиларимизнинг аксарияти Тошкент марказий телеграфининг мураккаб аппаратураларини монтаж қилиш ва улаш ишларида фаол иштирок этдилар.

Бугина эмас, ўқувчилар орасида ғоявий-тарбиявий ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳар бир касбнинг ўрни ва қадр-қиммати, ташаббускорлик, ростгўйлик, ирода ва масъулият, ишонч ва талаб сингари ранг-баранг мавзуларда тез-тез суҳбат ва лекциялар ўтказиб турибмиз. Бу ишларга партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бош-қош бўлмоқда.

Билим юрти кутубхонасининг ўқув залида китобхонлар конференциялари, уруш ва меҳнат ветеранлари, кекса коммунист ва пенсионерлар билан тез-тез учрашувлар, чет эллик меҳмонларни кутиб олиш кечалари бўлиб туради. Босмачиларга қарши кураш-нинг актив иштирокчиси, шахсий пенсионер Р. Усмонов, Чапаев дивизияси 2-бригадасининг собиқ штаб бошлиги Ф. А. Владимиров ва бошқалар билан бўлган учрашувлар ўқувчиларимизда ғоят зўр таассурот қолдирди.

Ота-оналар билан бўлган алоқага катта эътибор беряпмиз. Улар иштирокида группа ва билим юрти ўқувчиларининг йиғилишларини ўтказиб турибмиз. Уларда ўзлаштириш, давомат ва тарбия масалаларига оид қатор муҳим масалалар муҳокама қилинади.

Малакали алоқа ходимлари тайёрлашда жисмоний чиниқиш ҳам катта роль ўйнайди. Ўқув тарбиявий ишларнинг белгиланган графиги бўйича оммавий спорт ишларини намунали йўлга қўйганмиз. Қисқа муддат ичида 500 та ГТО значоги эгалари, 700 га яқин разрядли спортчилар, 400 дан зиёд «СССР Туристи» значоги эгаси ва 240 та жамоатчи инструкторлар тайёрладик.

Комсомол комитетининг ташаббуси билан ҳафтада икки марта радиогазета ташкил этганмиз. Бунда ўқувчиларнинг тартиб-интизоми, ўзлаштириши, спорт мусобақаси якунлари, чет эллик дўстлар билан бўлган учрашувлар, қизиқарли дам олиш кечалари ҳақида мунтазам ахборот бериб борилади.

Хуллас, коллективимиз халқ хўжалигини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш борасида КПСС XXIV съезди илгари сурган вазифаларни бажаришга — ишчилар синфининг малакали ўринбосарларини тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Зероки, ёшлар — келажагимиз, келажак эса — ёшлармиздир.

Ҳ. СУЛТОНОВА,
М. З. Мирзааҳмедов номидаги 4-ҳунар-техника билим юрти директори.

МИТТИ КИТОБЧА

В. И Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали янги экспонат ҳисобига бойиди. Музейга қўйилган янги буюм бир қарашда кўзга ташланмайди. Экспонатнинг кўриниши кичкинагина: бўйи уч, эни 2,5 сантиметр бўлганидан митти альбом — китобча дейиш мумкин. Китобчанинг муқоваси чарм устига зарҳал ҳарфлар билан «Ленин 1870—1924» сўзлари ёзилган. Унинг орқа томонида бронза бўёқли расм бор. Унда Ильич вафотидан кейин дастлабки марта тикланган мавзолейнинг кўриниши ифодаланган.

Бу китобчани 1924 йилнинг охирида Москвадаги «Светоч» фабрикаси чиқарган. Унда 10 тагина кичик фотосурат бўлиб, В. И. Лениннинг ҳаёти ва ижодидаги энг муҳим пайтлар акс эттирилган. Жумладан, Ильичнинг болалик ва ўсмирлик чоғлари, Октябрь революцияси даври ҳамда ҳаётининг сўнгги йилларидаги портрет суратлари туширилган. Бу китобчани Тошкент музейига фарғоналик К. Арабский ўз оила архивидан совға қилди.

БЕНГАЛЧА МАШҒУЛОТЛАР

Тошкент Давлат университетининг шарқ факультетида бенгал тили бўйича машғулотлар бошлаб юборилди. Ўзбекистонлик йигит-қизлар бугунги кунда юз миллиондан ортиқ аҳоли ўз она тили деб ҳисоблаб турган бенгалча сўзлашув ва ёзувни ўрганмоқдалар. Бангладеш Халқ Республикасида бу тил расмий давлат тили ҳисобланади.

Оламда НИМА ГАП

СТАЛИНГРАД ЖАНГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ

ЖАҲОННИ ҚУТҚАРГАН ШАҲАР

Иккинчи жаҳон уруши давридаги ҳеч бир ғалаба инглизларда Сталинград жангичалик катта таассурот қолдирмаган эди. Бунга тўла ишонч ҳосил қилиш учун 1943 йил февраль ойининг биринчи ҳафтасида чиққан инглиз матбуотини кўздан кечириш кифоя. Сталинград остоналаридаги совет қўшинларининг ғалабаси барча йирик газеталарнинг биринчи саҳифасини тўлдириб чиққан эди. «Дейли геральд» ҳафталиги биринчи февраль куни «Руслар 16 генерални асир олишди» сарлавҳаси остида гитлерчи қўшинларнинг Сталинград остонасида тор-мор келтирилганлиги ҳақида хабар берди. Бошқа газеталар ҳам ана шундай хабарларни кўринарли жойларда эълон қилдилар.

«Сталинград остоналаридаги қуршовнинг 70- куни деб ёзди Лондоннинг «Таймс» газетаси, руслар ғалабасини ниҳоясига етказди. Иттифоқчиларимизнинг буюк жасоратини ҳеч нарса пасайтира олмайди. Бу жасорат Сталинград шаҳрига иккинчи томонлама шон-шуҳрат келтирди. Биринчидан руслар тарихда ҳали кўрилмаган кучга қарши мудофаага ўтдилар, иккинчидан эса улар ташкилий равишда шундай қарши ҳужумга ўтдиларки, бу ҳужум урушнинг боришида бутунлай бурилиш ясади». «Русларнинг Сталинград остонасидаги ғалабаси, — дея таъкидлайди шу газетанинг ҳарбий мухбири, — Россиядаги бошқа фронтларга худди эпицентри шу шаҳарда бўлган зилзила сингари таъсир этди».

«Манчестер гардиан» газетаси биринчи саҳифасида «Сталинград мудофаси учун» медалининг тасвирини босиб чиқарди. Бу медаль билан қаҳрамон шаҳарни ҳимоя қилишда қатнашган барча ҳарбий ва граждан кишилар мукофотланган эдилар.

«Дейли геральд» газетасининг мухбири Рональд Мэтьюз совет қўшинларининг ҳаракатларига юксак баҳо бериб, шундай ёзган эди: «Снарядлар тилка-пора қилиб ташлаган завод биносини штурм билан олгач, улар немисларнинг Сталинграддаги энг сўнгги таянч пунктини ҳам эгалладилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, душманнинг қаршилик кўрсатиши ўз-ўзидан тўхтагани йўқ, у бостирилган эди. Русларнинг мана шу буюк ғалабаси жаҳон ҳарбий луғатига янги сўз киритса, ажаб эмас».

«Манчестер гардиан» газетаси Сталинград жангининг туғалланиши ҳақида хабар берди: юзлаб немислар Сталинграднинг шимолий қисмидаги вайрон қилинган биноларнинг подвалларидан чиқиб, асир тушмоқдалар, деб ёзган эди. «Сталинградни қайта тиклаш, биринчи навбатда темир йўл вокзалини ва электр станциясини қайта тиклаш планини ишлаб чиқиш бошлаб юборилди», — деб таъкидлайди газета.

«Дейли уоркер» газетасининг редакцион мақоласида шундай дейилади: «Сталинград остонасидаги жангнинг сўнгги саҳифалари ёзилиб бўлди. Фельдмаршал Паулюс ва унинг армияси устидаги парда туширилди. Бутун Европани босиб ўтган «енгилмас» армиянинг сараланган қўшинлари ер юзидан супириб ташланди. Бу шаҳар бутун жаҳонни ҳалокатдан қутқариб қолди».

Беатрис ХАММЕРЛИНГ,
инглиз журналисти.

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ УЗАЙТИРИЛДИ

АНҚАРА, 25 январь. (ТАСС). Туркия ҳукумати миллий хавфсизлик кенгашининг тавсиясига биноан мамлакатнинг 9 та йирик вилоятидаги фавқулодда ҳолатни яна икки ойга узайтирди. Айни вақтда икки вилоятдаги — Зонгулдак ва Сақарья вилоятларидаги фавқулодда ҳолатни бекор қилиш тавсия этилди.

Фавқулодда ҳолат дастлаб бир ой муддат билан 1971 йил 26 апрелда мамлакатнинг 11 вилоятида жорий этилган эди ва шундан бери вақти-вақти билан узайтириб келинмоқда. Ҳукуматнинг қарорини парламент тасдиқлаши керак.



Венгрия миллий кардиология институти юрак-қон томирлари касалликларини энг замонавий медицина воситалари ёрдамида ўрганиб, даволамоқда. Янги ускуналар беморда инфарктни олдиндан аниқлаш имконини бераётир. Суратда: доктор Тибор Ромода катетер ёрдамида бемор юрагини текширмоқда.

МТИ—ТАСС фотоси.

МУҲИМ ҚАДАМ

Вьетнамдаги урушни тўхтатиш ва тинчликни қайта тиклаш тўғрисида шу йил 27 январда имзоланадиган битимга дастлабки тарзда қўл қўйилганлиги хабарга бутун жаҳон жамоатчилиги ва чет эл матбуоти уруш проблемасини батамом бартараф қилиш йўлида қўйилган муҳим қадам деб баҳо бермоқда. Жаҳон халқлари шундай муҳим битимга келинганлигини тинчлик ва тараққиёт кучларининг ғалабаси деб билиб, бу хусусда ўзларининг ғоят мамнун бўлганликларини изҳор қилмоқдалар.

ПАРИЖ. Вьетнамдаги урушни тўхтатиш ва тинчликни қайта тиклаш тўғрисидаги битим дастлабки равишда имзоланганлиги хусусида Франция Коммунистик партияси эълон қилган баёнотда айтилади, Франция Коммунистик партияси ёш воқеани эўр хурсандчилик билан табриклайди. Баёнотда, Вьетнам халқи жуда оғир ғалаба қозонди, деб таъкидланмоқда. Вьетнам халқи ёш ғалабага, дейилади Франция Коммунистик партиясининг баёнотида, аввало ўзининг қаҳрамонлиги, шонли Вьетнам партиясининг тўғри ва доно раҳбарлиги, шунингдек Жанубий Вьетнам халқ Озодлик фронтининг ва Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг тўғри раҳбарлиги туфайли эришди. Бу ғалабага Вьетнам халқи социалистик мамлакатларнинг, аввало Совет Иттифоқининг қудратли мадади туфайли, шунингдек жаҳон ишчилар синфининг, ер курраси-дагги тинчлик ва тараққиёт кучларининг актив бирдамлиги туфайли эришди.

Францияда Вьетнамда тинчликни қайта тиклаш учун ҳар доим актив ҳушлаш келган 52 та жамоат ташкилотлари эълон қилган қўшма баёнотда, Вьетнам халқи жуда оғир синовларнинг ҳаммасига ҳайрон қоларлик даражада қаҳрамонлик ва матонат билан бардош берди ҳамда яшаш ва эркинликка бўлган ўз ҳуқуқини қаттиқ туриб сақлаб қолди, дейилади.

Бу ғалаба, дейилади баёнотда, Вьетнам халқининг одилона курашини қўллаб-қувватлаб турганларнинг ҳам ғалабаси бўлди. Ут очиш тўхтатилганлиги тинчликни қайта тиклашга йўл очиб берса ҳам, аммо барча демократлар хушёрликни қўлдан бермасликлари, АҚШ дан ўз зиммасига олган мажбуриятларига ҳурмат билан қарашни талаб қилишлари, сиёсий махбусларнинг Сайгон зиндонларидан озод қилинишига эришмоқлари лозим.

ПАРИЖ. Вьетнамга бағишланган Париж кенгашидаги Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати делегациясининг бошлиғи Нгуен Тхи Бинь айтдики, Вьетнамдаги урушни тўхтатиш ва тинчликни қайта тиклаш тўғрисидаги битим мустақиллик, тинчлик ва эркинлик учун узоқ вақтдан буён курашиб келган Вьетнам халқининг катта ғалабаси бўлди, бутун дунёдаги тинчликсевар кучларнинг зўр ғалабаси бўлди.

Нгуен Тхи Бинь Франция ташқи ишлар министри М. Шуман билан бугун учрашганидан кейин шу гапларни журналистларга айтди.

Қўшма Штатлар, деди сўнгра Нгуен Тхи Бинь, ҳар қандай уруш ҳаракатларини тўхтатиш, ўзининг барча қўшинларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетиш, Вьетнам халқининг мустақиллигини ва ўз тақдирини чинакам ўзи белгилаш ҳуқуқини ва айниқса ўз тақдирини чинакам ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳурматлаш мажбуриятини олди.

БОННН. Немис Коммунистик партияси президиумининг бу ерда эълон қилинган баёнотида айтилдики, немис Коммунистик партияси правениесининг президиуми Вьетнамдаги урушни тўхтатиш ва тинчликни қайта тиклаш тўғрисидаги битим Парижда дастлабки тарзда имзоланганлигини табриклайди. «Бу битим, дейилади баёнотда, қаҳрамон Вьетнам халқининг натта ғалабаси бўлди, у узоқ давом этган оғир урушда сира енгилмади».

«Немис Коммунистик партияси, — дейилади баёнотда, — бундан буён ҳам Вьетнам халқи томонида қаттиқ туради ва оғир зарарни тугатишда унга ёрдам беришни талаб қилаверади».

НЬЮ-ЙОРК. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретари К. Вальдхайм айтдики, Вьетнамдаги урушни тўхтатиш тўғрисида бир битимга келинганлигидан мен жуда мамнун бўлдим. Вьетнамдаги бу уруш жуда кўп одамларга азоб бериб келган ва вайронликлар келтирган эди. Вьетнам ва бутун Ҳинди-Хитой халқлари, — деди Вальдхайм, ниҳоят қайта тиклашдан иборат катта вазифани банжаришга киришиб оладилар, деб умид қиламан.

* * *

Чет эл матбуотидаги шарҳларнинг аксариятида уқтириб айтилишича, бу битим қаҳрамон Вьетнам халқининг, у огишмай ва матонат билан олиб борган курашининг ғалабаси бўлди, қуролли курашни сиёсий ва дипломатик кураш билан моҳирона қўшиб олиб борганлигининг натижаси бўлди. Шунингдек, бу битим Вьетнам халқига ҳар томонлама ёрдам ва мадад бериб турган қардош социалистик мамлакатлар жанговар бирдамлигининг ҳам жуда катта ғалабаси бўлди, тинчлик ва эркинлик кучларининг зўр ютуғи бўлди.

Бу курашда, деб ёзади Болгариядаги «Работническо Дело» газетаси, миллий озодлик кучлари социалистик мамлакатларнинг, халқаро ишчилар ҳаракатининг ва демократик жамоатчиликнинг бирдамлигига таянганларида асло енгилмаслигини исботладилар.

«Битим дастлабки имзоланганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб, жаҳон эркин нафас олди, — деб ёзади Польшадаги «Трибуна люду» газетаси. — Бу эса қаҳрамон Вьетнам халқининг жуда катта ютуги бўлди». «Жиче Варшави» газетаси бундай деб ёзади: «бу уруш АҚШ тарихида энг узоқ давом этган, энг қимматга тушган ва энг бемаъни уруш бўлди». Битимга келинганлиги, деб ёзади газета, «бу дахшатли уруш тугади деган ғап эмас ва бу урушнинг сиёсий, моддий ва психологик оқибатлари бекор қилинди деган ғап эмас».

Венгриядаги «Непсабадшаг» газетаси бундай деб ёзади: бизнинг биринчи таассуротимиз шуки, оғир азоблардан сўнг, кўп йиллар давомида қилинган келган тўхтовсиз бомбардимонларнинг кулфатларида н сўнг мана шу битимга эришган Вьетнам халқига қойил қолдик.

Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг марказий органи «Нян Зан» газетаси Вьетнамдаги урушни тўхтатиш ва тинчликни қайта тиклаш тўғрисидаги битим дастлабки тарзда имзоланганлигига бағишланган ва «Париждаги тарихий воқеа» деб сарлавҳа қўйилган мақоласида қуйидагиларни ёзади:

Вьетнамнинг мустақиллигини суверенитетини, бирлигини ва территориал бутунлигини АҚШ ва бошқа мамлакатлар 1954 йилги Женева битимларида эътироф қилинганидек, ҳурмат қиладилар, деб шу битимда очиқ ва равшан ёзиб қўйилди. Қўшма Штатлар урушда қатнашишни давом эттирмаслик ёки Жанубий Вьетнамнинг ички ишларига аралашмаслик мажбуриятини олди. Жанубий Вьетнам халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳурматлаш мажбуриятини олди. Бу — Вьетнам халқи қўлга киритган асосий, ғоят муҳим моддалар бўлди.

(ТАСС, 25 январь).

НГУЕН ЗУЙ ЧИНЬ ПАРИЖГА КЕЛДИ

ПАРИЖ, 25 январь. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикаси ташқи ишлар министри Нгуен Зуй Чинь Вьетнамда урушни тўхтатиш ва тинчликни қайта тиклаш тўғрисидаги битимни имзолаш учун бугун Парижга келди.

Вьетнам хусусидаги Париж кенгашида ВДР делегациясининг маҳсус маслаҳатчиси Ле Дик Тхо, ВДР делегациясининг бошлиғи Суан Тхюи, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати делегациясининг бошлиғи Нгуен Тхи Бинь, Франциядаги прогрессив Вьетнам ташкилотларининг раҳбарлари, дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари Парижнинг Бурже аэродромида Нгуен Зуй Чинни кутиб олдилар.

Аэродромда кутиб олувчилар орасида Франция Компартиясининг бош секретари Ж. Марше, Франция Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ва Марказий Комитетнинг аъзолари бор эди.

Аэродромда шунингдек Совет Иттифоқининг Франциядаги элчиси П. А. Абрасимов ҳам бор эди.

ВОДИЙГА СУВ КЕЛДИ

ДАМАШҚ, 25 январь. ТАСС мухбири Б. Уронов хабар беради: Сурия Араб Республикасида Фрот дарёси водийсида суғориш системаси лойиҳасини амалга ошириш ишлари муваффақиятли олиб борилмоқда. Совет Иттифоқининг техникавий ва иқтисодий ёрдами билан қурилаётган Фрот гидроэнергетика комплекси сунъий ҳавзасидан системага сув келади.

Қдейран шаҳарчасида кучли насос станцияси қуриб битказилди. У суғориладиган районга сув беради. Суғориш каналлари системаси қуриб битказилянти. Ҳозирга қадар 446 километр магистрал канал қазилди. Яна 470 километр ариқ қазиб битказилиш арафасида.

Айни маҳалда қурилаётган 15 посёлкага сунъий кўл суви босадиган районда жойлашган қишлоқларнинг деҳқонлари кўчиб ўтади. 7 мингга яқин уй, мактаб, магазин, маъмурий ва маданий муассасалар қурилиши битиб қолди.

Ҳамма ишларни шу йил ёзнинг ўрталаригача битказиш мўлжалланмоқда. Ёзда Фрот дарёси бўғилиб, сунъий ҳавза тўлдирила бошлайди. Суғориш системалари барпо этилиши натижасида Фрот водийсидаги минглаб гектар серунум ерлар сув олади. Шу районнинг деҳқонлари об-ҳаво инжиқликларидан қатъи назар бир маромда ҳосил оладиган бўладилар.

Совет темир рудаси Чехословакия металлургия саноати тараққиётининг асоси ҳисобланади. Остравадаги Клемент Готвальд номли комбинатнинг ўзига ҳар куни беш составда Кривой Рог рудаси келмоқда. Суратда: оператор Владимир Шенбах хом ашёни назорат қилиб турибди.

ЧТК—ТАСС фотоси.

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Ханойда расман эълон қилинганидек, ВДР ва АҚШ «Вьетнамда урушни тўхтатиш ва тинчлик ўрнатиш тўғрисидаги битим»ни дастлабки тарзда имзоладилар ва бу битим 27 январь куни Парижда расмий равишда имзоланади.

Қаҳрамон Вьетнам оғир жангга бардош берди.

Ҳамиша жипслашган ва мард Вьетнам халқи ҳеч қачон ёлғиз қолмади. У Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг, ер юзида тинчлик ва адолат қадрига етадиган кишиларнинг ҳар томонлама мадади ва ёрдамига доимо суяниб келди. Курашаётган Вьетнам халқаро бирдамлик қудратли ҳаракатидан куч-қувват олиб турди ва шу бирдамлик ВДР ҳимоячиларини ва Жанубий Вьетнам ватанпарварларини илҳомлантирди.

1968 йил Парижда музокаралар бошланганида можарони амалда бартараф этиш истиқболлари очилди. ВДР ҳукумати билан Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронти, сўнгра эса Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат революцион ҳукумати делегацияларининг бошлиқлари Нгуен Тхи Бинь, Францияда прогрессив Вьетнам ташкилотларининг раҳбарлари, дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари Парижнинг Бурже аэродромида Нгуен Зуй Чинни кутиб олдилар. Аэродромда кутиб олувчилар орасида Франция Компартиясининг бош секретари Ж. Марше, Франция Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ва Марказий Комитетнинг аъзолари бор эди.

Аэродромда шунингдек Совет Иттифоқининг Франциядаги элчиси П. А. Абрасимов ҳам бор эди.

Бу ҳаракатлар ва ишлар натижасида Вьетнамда ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилиб, ҳеч бир ҳодиса бўлмаган ҳолда 27 январь куни Парижда расмий равишда имзоланадиган битим ишлаб чиқилди. Бу ҳужжат ва ҳужжатлар ҳаётимизнинг ҳеч бир соҳасини четлаб ўтмаган, ҳеч бир соҳа ва ҳеч бир одамга ўз таъсирини ўтказмаган ҳеч бир ҳодиса